

Жорий таъмирлаш бўйича пудрат  
ШАРТНОМАСИ № 52-22

Чиноз шаҳри

«15» ноя. 2022 йил

Чиноз тумани Ободонлаштириш бошқармаси (бундан буён «БУЮРТМАЧИ» деб юритилади) номидан фаолият юритувчи рахбари Ф.Хидиров кейинги ўринларда "CHINOZ SARVAR FAYZ" МЧЖ бир томондан, (бундан буён «ПУДРАТЧИ» деб юритилади) номидан устав асосида фаолият кўрсатувчи рахбар Хасанбоев А иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар хақида туздилар.

**I. Шартнома мазмуни.**

**I.1 Чиноз тумани Чин Масжид МФЙ Миришкор кўчасини лойиха смета ҳужжатларига асосан жорий таъмирлаш**

**I.2 «ПУДРАТЧИ»** объектни лойихаси ва ишчи тизимлари бўйича шартномада кўрсатилган ишларни бажариб беради. Буюртмачи эса ушбу ишларни бажариш учун зарур шароитларни яратиб беради, ҳамда бажарилган ишларни қабул қилиб олади.

**II. Бажариладиган ишлар қиймати.**

2.1. Мазкур шартномага асосан «ПУДРАТЧИ» бажарадиган ишлар қиймати жорий шартнома нархида барча тўловлар, солиқлар ва ажратмалар қўшиб ҳисобланганда **291600000 (Икки юз тўқсон бир миллион олти юз минг ) сўм.**

2.2. Шартнома нархи узил-кесил белгиланади ва қайта кўриб чиқилади.

Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- Агарда бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ишлари қийматини ошишига сабаб бўлса;

- «БУЮРТМАЧИ» томонидан тегишли тартибда ишлар хажмига ўзгартириш киритилса;

- Объект қурилиши 1 (бир) ойдан ортиқ давом этса.

2.3. Юқорида санаб ўтилган ўзгаришлар «БУЮРТМАЧИ» ва «ПУДРАТЧИ» ўртасида тузилган ушбу шартномага қўшимча келишув баённомаси киритиш орқали расмийлаштирилади.

**III. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

3.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 5\_кун ичида «ПУДРАТЧИ» иш фондиди тақдим этади. Шу билан бир вақтда керакли лойиха ҳужжатлари билан таъминлайди.

3.2. «БУЮРТМАЧИ» иш олиб бориш зарур бўлиш геодезик нуқталар уларни координаталари ва отметкаларини топширади.

3.3. Асосий қурилган материаллари, конструкциялари ва жихозлар билан таъминлайди.

3.4. «ПУДРАТЧИ» бажарган ишларни тегишли шакллар ва ҳисоб варақ-фактурага асосан қабул қилади, ҳамда ушбу шартномани ишлар бўлишида келишилган бўйича тўловни амалга оширади.

**IV. Пудратчининг мажбуриятлари:**

4.1. Ушбу шартномани келишилган ишларни ўз муддатида лойиха ва КМК асосида бажариб «БУЮРТМАЧИ» га топширади.

4.2. Шартнома келишилган ишларни бажариш учун «ПУДРАТЧИ» «БУЮРТМАЧИ» розилиги билан ўз материаллари ва конструкцияларни олиб келиб ишлатиши мумкин лекин бу материалларни сифат сертификати бўлиши шарт ва уларни қиймати Буюртмачи тақдим этган нархлардан ошиб кетмаслиги зарур.

4.2. «ПУДРАТЧИ» ишларини бажариш учун ўз машина ва механизмлардан фойдаланилади.

4.3. Агарда бундай имконият бўлмаса «БУЮРТМАЧИ» нинг машина ва механизмларидан фойдаланилади ҳамда ҳисобга асосан буюртмачига пулини тўлайди.

4.5. «ПУДРАТЧИ» материаллар ва оз қийматли инвентарлар, буюмларни сақлашни ўз зиммасига олади.

4.6. Шартномада келишилган ишларни бажариш вақтида хавфсизлик техникаси қондаларига ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига тўлиқ риоя қилади.

4.7. «БУЮРТМАЧИ» тақдим этган иш юритиш жадвалидаги муддатларда келишилган ишларни тугатишни таъминлайди.

-Агарда Пудратчи ушбу жадвал асосида иш олиб бормаса «БУЮРТМАЧИ» шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

4.8. Ёпилиб кетадиган ишларни далолатнома асосида техник назоратчига топширади ва уни ёзма руҳсатидан сўнгина кейинги ишларни бажаришга киришади. Бундан ташқари бошланғич иш юритиш журналларини юритади, ижро схемаларини чиқиб «БУЮРТМАЧИ» га топширади.

4.9. «ПУДРАТЧИ» ўзи бажарган ишларни ҳар ой охирида топширади. Ўзи бажарган барча ишларга ва объектларга кафолат муддат охирига қадар тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

4.10. Буюртмачи томонидан пудратчи бажарган ишлар сифатсизлиги аниқланса Пудратчи бу ишларни белгиланган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаради. Агар бу камчиликлар ўз вақтида тугатилмаса ва буни оқибатида «БУЮРТМАЧИ» зарар кўрса, «ПУДРАТЧИ» зарарни ўз ҳисобидан тўлайди.

## V. Тўловлар ва ўзаро ҳисоблар

2.1. 5.1 Ушбу шартноманинг умумий нархи **291600000 (Икки юз тўқсон бир миллион олти юз минг) сўм**ни ташкил этади.

«Буюртмачи» қурилиш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % шартнома Ғазначилик бўлинимасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг ни аванс тариқасида олдиндан ўтказиб беради.

5.2. Ойма-ой бажарилган ишга пропорционал равишда берилган авансни ҳисобга олган ҳолда иш қиймати тўлаб борилади.

5.3. Объект давлат комиссияси томонидан қабул қилингандан сўнг «Буюртмачи» «Пудратчи»га қолган 5 % кафолат муддати суммаларни тўлаб борилади.

5.4. Агар «Пудратчи» «Буюртмачи» материаллари ва жиҳозларидан қурилиш монтаж ишларини бажарса пудратчи томонидан бажарилган ишлар ҳажмидан тегишли материаллар суммасини чегириб ташлаб тўлов учун тасдиқ лаб беради.

## VI. Кафолатлар.

6.1. «ПУДРАТЧИ» қуйидагиларга кафолат беради:

-йўлларни белгиланган 10 кун муддатларда лойиха ҳужжатлар ва КМК талаблари асосида сифатли таъмирлаб бериш;

-сифатсиз бажарилган ишларни ва камчиликлари иш даврида ҳамда фойдаланишни кафолатли даврада ўз ҳисобидан тугатишга.

6.2. Умум қурилиш ва маҳсул ишлар учун фойдаланиш даврида кафолатли муддат Давлат қабул комиссияси имзолангандан кундан бошлаб белгиланади.

6.3. Бажарилган ишларни Буюртмачига топширишда ўз ҳисобидан банк ўлчовидан ўтказиб бериш.

## VII. Шартномани бекор қилиш.

7.1. «БУЮРТМАЧИ» қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли:

- «ПУДРАТЧИ» шартнома кучга киргандан бошлаб 3 кун ичида ишларни бошламаса:

- Ишлаб чиқариш графигида белгиланган муддатларда ишларни бажармаса:

-Келишилган АС ҳужжатлари ва КМК талаблари асосида бажаришни таъминлай олмаса.

7.2. «ПУДРАТЧИ» куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишини талаб қилишга ҳақли «БУЮРТМАЧИ» бир ойдан ортиқ муддатга ишларни бажаришни асоссиз сабаблар билан тўхтатиб турса бажарилган ишлар учун тўловлар ушбу шартномани 5-бўлимида кўрсатилган бандлар бўйича амалга оширолмаса;

7.3. Шартнома бекор қилинишини талаб қилган бу ҳақда иккинчи томонни ёзма равишда хабардор қилинади ва томонлар 5 кун ичида тегишли қарорга келишлари зарур.

7.4. Шартнома бекор қилинганда айбдор томон иккинчи томон кўрган зарарни ва олиши мумкин бўлган фойдани тўлайди.

## **VIII. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА МАСЪУЛИЯТИ.**

8.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

8.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

8.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;

- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўللار билан пора олишга ундаш;

- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

8.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакиллари пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

8.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

8.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-5.5-бандларида белгиланган қоидалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига муурожаат этадилар.

## **IX. Томонларни мулкӣ жавобгарлиги.**

9.1. Мазкур шартнома талабларига асосан «ПУДРАТЧИ» бажарган ишлар учун «БУЮРТМАЧИ» асоссиз сабаблар билан тўловларни бажармаса тўланмаган қисмини 0,4 % миқдорида ҳар бир кечиктирилган кун учун пеня тўлайди. Бундан пеня умумий миқдори тўланмаган қисмини 50 % дан ошиб кетмаслиги лозим

9.2.«ПУДРАТЧИ» бажарган ишларни «БУЮРТМАЧИ» асоссиз равишда тасдиқлаб беришдан бош тортса тасдиқланмаган қисмини 0,4 % миқдорида ҳар

бир кечиктирилган кун учун пеня тўлайди. Куида пеня умумий микдори таедикланмаган киеси 50 %дан ошиб кетмаслиги

9.3.Келишилган ишларни белгиланган муддатларда бажармаса. Пудратчи кечиктирилган иш кийматининг 0,4 % микдорида хар бир кечиктирилган кун учун пеня тўлайди. Бундан пеняни умумий микдори кечиктирилган иш киймати 50 %дан ошиб кетмаслиги лозим.

9.4.Аниқланган камчиликларни ва сифатсиз бажарилган ишларни Пудратчи ўз вақтида тугатмаса шу ишлар кийматини 0,4 % микдорида хар бир кечиктирилган кун учун Буюртмачига пеня тўлайди. Бундан пеняни умумий микдори сифатсиз бажарилган ишлар кийматини 50 % дан ошиб кетмаслиги лозим.

9.5. Агар пудратчи бажарган ишлар лойиха асосида бажарилмаган бўлса ёки КМК талабларига жавоб бермаса Бош пудратчи бу ишларни кабул қилмасликка ва тўловни тўхтатишга хақли хамда ишлар кийматини 1 % микдорида жарима ундирилади.

#### **X. Келишмовчиликларни ечиш тартиби.**

10.1. Бахели масалалар бўйича томонлар ўзаро бир ечимга келолмасалар у ҳолда бу масала мавжуд конунлар асосида белгиланган тартибда хўжалик судида кўрилади.

10.2. Шартнома амал килиш муддати «31» декабрь 2022 йил.

#### **XI.Томонларнинг ҳукукий манзили ва банк реквизитлари:**

##### **«БУЮРТМАЧИ»**

Чиноз Ободонлаштириш бошқармаси  
Манзил:Чиноз ш Самарканд кўчаси1  
ШХ/Р: 401722860272567065200110015  
ИНН 200453626 ОКЭД 90211  
МФО : 00014  
Чиноз Ғазначилик бўлинмаси  
Х.р 23402000300100001010  
Банк номи: Марказий банк Бош  
Бошқарма ХККМ инн 201122919

##### **«ПУДРАТЧИ»**

ООО "CHINOZ SARVAR FAYZ"  
Манзил: Тошкент вилояти Чиноз тумани  
Порлок - 10  
Х/Р: 2020 8000 4003 4927 7001  
ИНН: 302 945 855  
МФО: 00 780  
Банк номи: А.Т.Халк банки Чиноз филиали

Рахбар:  Ф.Хидиров



Рахбар:  Касанбоев А.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA  
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma

**2. Loyihaning nomi:** “Buyurtmachi” Chinoz tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan “Pudratchi” “CHINOZ SARVAR FAYZ” MChJ oʻrtasida loyiha smeta hujjatlariga asosan joriy taʼmirlash boʻyicha pudrat shartnoma loyihasi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi maʼlumot:** Chinoz tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va huquqiy ekspertizadan oʻtkazish uchun 2022 yil 14-iyul kuni elektron tizim orqali markazga kiritilgan.

“Buyurtmachi” Chinoz tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan “Pudratchi” “CHINOZ SARVAR FAYZ” MChJ oʻrtasida umumiy summasi 291.600.000 (ikki yuz toʻqson bir million olti yuz ming) sum miqdoridagi joriy taʼmirlash boʻyicha pudrat shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan oʻtkazildi.

Taraflar oʻrtasida tuzilayotgan mazkur shartnoma loyihasi Oʻzbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi va Oʻzbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi “Xoʻjalik yurituvchi subʼektlar faoliyatining shartnomaviy - huquqiy bazasi toʻgʻrisida”gi Qonuni va bosʻhqa tegisʻhli qonun hujjatlari talablariga mos ravishda tuzilgan.

Taraflardan biri shartnoma majburiyatlarini bajarmagan taqdirda tomonlarga javobgarlik choralari qoʻllanilishi, kelishmovchiliklar paydo boʻlgan taqdirda oʻzaro hal qilish yoki tumanlararo iqtisodiy sudida hal qilish tartibi, barcha qoshimcha va oʻzgartirishlar yozma ravishda ikki tomonlama imzolanib tasdiqlangan holda tuzilishi nazarda tutilgan.

Shartnoma loyihasida taraflarning javobgarligi va nizolarni hal yetish tartibi va boshqa kelishilgan barcha shartlar qonun hujjatlari talablariga mos keladi va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti

15.07.2022 yil.



M.Nurnazarov

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 116984 на приобретение Чин Масжид МФЙ Миришкор кукчасини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 08.07.2022

Время рассмотрения 08.07.2022 08:58

Конкурсная комиссия Чиноз туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	XIDIROV FURKAT JUMANAZAROVICH	рахбар	Чиноз ИИБ
<b>Секретарь комиссии</b>	AXMEDOV AXROR XIKMATULLAYEVICH	Инфра тузилма объектлари булими бошлиги	Чиноз ИИБ
<b>Член комиссии</b>	ABDUNAZAROV ABDUXOSHM AHMADJONOVICH	Ободонлаштириш объектлари булими бошлиги	Чиноз ИИБ
<b>Член комиссии</b>	QAYUMOV MIRABBOS ABDUVOHID O'G'LI	Ободон булими мухандиси	Чиноз ИИБ
<b>Член комиссии</b>	NAZARKASIMOV MURATJON DOSTONOVICH	бош мухандис	Чиноз ИИБ
<b>Член комиссии</b>	SAIDOV UKTAM SHUXRATOVICH	инфра тузилма техник назоратчи	Чиноз ИИБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 08.07.2022 года № лота 116984.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог</b>
Подробное описание	Чин Масжид МФЙ Миришкор кукчасини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	291 600 000.00
Стартовая сумма	291 600 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига буюртмачи бошлангич нархининг 50% сўмлик ва ундан кўп. (ҳар бир йил 4 балл билан баҳоланади). Энг яхши таклифларни танлаш савдосига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО CHINOZ SARVAR FAYZ	25	291600000	25	Экспертная		
ООО GMC REALWAY	25	291600000	16	Экспертная		
ООО MODERN HOUSE	25	25	15	Экспертная		
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	25	264000000	15	Экспертная		
ООО MASTER STROY ROAD777	25	279794000	26	Экспертная		

Критерий №2 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати мавжуд булишлиги. Охириги йилда фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. Иш ҳақи фонди фойда ҳисобда булишлиги. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги  
Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархининг 20% миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади).

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО CHINOZ SARVAR FAYZ	34	291600000	33	Экспертная		
ООО GMC REALWAY	34	291600000	19	Экспертная		
ООО MODERN HOUSE	34	34	20	Экспертная		
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	34	264000000	27	Экспертная		
ООО MASTER STROY ROAD777	34	279794000	28	Экспертная		

Критерий №3 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва техникалар тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО CHINOZ SARVAR FAYZ	20	291600000	20	Экспертная		
ООО GMC REALWAY	20	291600000	15	Экспертная		
ООО MODERN HOUSE	20	20	15	Экспертная		
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	20	264000000	19	Экспертная		
ООО MASTER STROY ROAD777	20	279794000	18	Экспертная		

Критерий №4 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга муҳандис ва архитектор ходимларни мавжудлиги. Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломи 1 киши лойиҳа бош муҳандисини мавжудлиги. Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломи 1 киши лойиҳа бош архитекторини мавжудлиги. Доимий равишда ишловчи 2 тадан кам бўлмаган малакали ишчи ходимлар (мутахассислар) мавжудлиги. Ходимларнинг ўртача сони 7 кишидан кам бўлмаган.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО CHINOZ SARVAR FAYZ	19	291600000	19	Экспертная		
ООО GMG REALWAY	19	291600000	14	Экспертная		
ООО MODERN HOUSE	19	19	13	Экспертная		
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	19	264000000	15	Экспертная		
ООО MASTER STROY ROAD777	19	279794000	17	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО CHINOZ SARVAR FAYZ	291 600 000.00	291 600 000.00 UZS	291 600 000.00	00.00	291 600 000.00	04.07.2022 09:41:06	27.16
ООО MODERN HOUSE	291 600 000.00	285 000 000.00 UZS	285 000 000.00	00.00	285 000 000.00	06.07.2022 15:29:28	27.79
ООО GMG REALWAY	291 600 000.00	291 600 000.00 UZS	291 600 000.00	00.00	291 600 000.00	06.07.2022 11:03:17	27.16
ООО MASTER STROY ROAD777	291 600 000.00	279 794 000.00 UZS	279 794 000.00	00.00	279 794 000.00	07.07.2022 15:17:47	28.31
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	291 600 000.00	264 000 000.00 UZS	264 000 000.00	00.00	264 000 000.00	07.07.2022 10:51:08	30.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО CHINOZ SARVAR FAYZ	69.286	27.16049	96.44649
ООО MODERN HOUSE	45.0002	27.78947	72.78967
ООО GMG REALWAY	45.7142	27.16049	72.87469
ООО MASTER STROY ROAD777	59.2858	28.30654	87.59234



ул ҚИВРАЙ ТУМАН  
ЮЛЛАДАН ҒО

54 2857

30

84 2857

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 116984 от 08.07.2022 года на приобретение Чин Масжид МФЙ Миришкор кукчасини жорий таъмирлаш определила победителем:

ООО SHINOZ SARVAR FAYZ  
302945855

и резервный исполнитель: ООО MASTER STROY ROAD777 (308523624)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	SAIDOV UKTAM SHUXRATOVICH	Согласен	
Член комиссии	QAYUMOV MIRABBOS ABDUVOHID O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ABDUNAZAROV ABDUXOSHIIM AHMADJONOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	XIDIROV FURKAT JUMANAZAROVICH	Согласен	
Член комиссии	NAZARKASIMOV MURATJON DOSTONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



**Чиноз тумани Ободонлаштириш бошқармаси**  
**давлат харидлари бўйича комиссиясининг**  
**БАЁННОМАСИ**

15 июл 2022 йил

Чиноз тумани

Раислик қилувчи :

Ф.Хидиров

Аъзолари:

М.Назаркосимов

А.Абдуназаров

Ў.Саидов

А.Ахмедов

М.Қаюмов

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқороларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшма чора тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5072 сонли қарори 2021 йил 22 сентябрдаги ПҚ 5250-сонли қарори ҳамда Халқ депутатлари Чиноз туман Кенгашининг 25 апрелдаги 2022 йилдаги “Чиноз тумани маҳаллий бюджетининг маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида” ги VI-46-46-10 -144 – К /22 сонли қарорига асосан “Очиқ бюджет” ахборот порталида 1- босқич яқунларига кўра энг кўп овоз тўплаб ғолиб бўлган кўчаларни жорий таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағларга асосан йўлларни таъмирлаб берувчи пудратчи ташкилотни аниқлаш тўғрисида ;

Кун тартибида кўриладиган масала юзасидан сўзга чиқди комиссия раиси Ф.Хидиров Чиноз тумани маҳаллий бюджетининг маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида” ги Халқ депутатлари Чиноз туман Кенгашининг VI-46-46-10 -144 – К /22 -сонли қарорига асосан “ Очиқ бюджет” ахборот порталида 1- босқич яқунларига кўра энг кўп овоз тўплаб ғолиб бўлган кўчаларни жорий таъмирлаш ишлари учун тузилган манзиллий рўйхатга асосан йўлларни таъмирлаб берувчи пудратчи ташкилотни аниқлаш учун электрон савдога қўйилган.

Таъмирланадиган йўлларни қуёшли тез кунларда ўз вақтида таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш ишларини бажариш вазифаси кўйилганини инобатга олиб кўчаларни жорий таъмирлаш ишлари учун пудратчи ташкилотни аниқлаш учун Ободонлаштириш бошқармаси томонидан қуйидаги лотлар электрон биржага эълон берилганини айтиб ўтди.

1. лот рақами **22110012116984- Чиноз тумани Чин Масжид МФЙ**  
**Миришкор кўчасини** лойиха смета хужжатларига асосан жорий таъмирлаш

Иштирокчи таклифлари танлов комиссияси томонидан ўрганилиб чиқилди таклиф бераётган йўл қурилиши билан шугулланувчи ташкилотлардан **“ CHINOZ SARVAR FAYZ МЧЖ ”** бошқа таклиф бераётган таклифчиларга караганда танлов учун топширган хужжатларини тўлиқлигини , 2021 йилда ҳам бошқарма томонидан йўлларни таъмирлаш учун тузилган шартномаларга асосан кўчаларни тўлиқ ва ўз вақтида бажариб берганлиги кўриб чиқиб , етарли иш салохияти ва техникасига эга эканлиги ҳамда Чиноз туманида жойлашганлигини , таъмирлаш объектларга яқинлигини инобатга олиб **“ CHINOZ SARVAR FAYZ ”МЧЖ** билан таъмирлаш пудрат шартномаси тузиш учун ;

Юқоридагиларни инобатга олиб махсус йигилиш хайъати

#### **ҚАРОР ҚИЛАДИ ;**

1. Манзиллий рўйхат ва лойиха смета хужжатларига **Чиноз тумани Чин Масжид МФЙ Миришкор кўчасини** жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун танлов ўтказилгандан сўнг муҳокамага қўйилди, ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади .
2. **“ CHINOZ SARVAR FAYZ ” МЧЖ** бошқа таклиф бераётган таклифчиларга караганда етарли иш салохияти ва техникасига эга эканлиги ҳамда Чиноз туманида жойлашганлигини , таъмирлаш объектларга яқинлигини , 2021 йилда йўлларни таъмирлаш бўйича тузилган шартномага асосан ишларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириб берганлигини инобатга **“ CHINOZ SARVAR FAYZ ” МЧЖ** бошқа таклиф бераётган таклифчиларга караганда етарли иш салохияти ва техникасига эга эканлиги ҳамда Чиноз туманида жойлашганлигини , таъмирлаш объектларга яқинлигини инобатга олиб **“ CHINOZ SARVAR FAYZ ”МЧЖ** билан таъмирлаш пудрат шартномаси тузилсин.
- 2.Тузилган шартнома бўйича аванс маблағларни ҳамда ишлар бажарилгандан сўнг тегишли хужжатларга асосан ўз вақтида ўтказиб бериш бош хисобчи ( Н.Маматкулова) зиммасига юклатилсин.
- 3.Йўлларни жорий таъмирлаш ишларини назорат қилиб бориш , лойиха смета хужжатларига мослигини текшириб , хокимият вакиллари иштирокида тегишли хужжатлар тузиб , қилинган ишларни текшириб , фойдаланишга қабул қилиб олиш инфра тузилма объектларидан фойдаланиш бўлими ходимлари ( А.Ахмедов ,Ў Саидов) лар зиммасига юклатилсин.

4. Йўлларни жорий таъмирлаш ишларини назорат қилиб бориш бош муҳандис (М.Назарқосимов) зиммасига юклатилсин.


Аъзолари:



М.Назарқосимов



А.Абдуназаров



Ў.Саидов



А.Ахмедов



М.Қаюмов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA  
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma

**2. Loyihaning nomi:** “Buyurtmachi” Chinoz tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan “Pudratchi” “KASKAN QURILISH” MChJ o'rtasida joriy ta'mirlash bo'yicha pudrat shartnoma loyihasi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Chinoz tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022 yil 14-iyul kuni elektron tizim orqali markazga kiritilgan.

“Buyurtmachi” Chinoz tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan “Pudratchi” “KASKAN QURILISH” MChJ o'rtasida umumiy summasi 920.000.000 (to'qqiz yuz yigirma million) sum miqdoridagi joriy ta'mirlash bo'yicha pudrat shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o'tkazildi.

Taraflar o'rtasida tuzilayotgan mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi va O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi “Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy - huquqiy bazasi to'g'risida”gi Qonuni va bos'hqa tegis'hli qonun hujjatlari talablariga mos ravishda tuzilgan.

Taraflardan biri shartnoma majburiyatlarini bajarmagan taqdirda tomonlarga javobgarlik choralari qo'llanilishi, kelishmovchiliklar paydo bo'lgan taqdirda o'zaro hal qilish yoki tumanlararo iqtisodiy sudida hal qilish tartibi, barcha qoshimcha va o'zgartirishlar yozma ravishda ikki tomonlama imzolanib tasdiqlangan holda tuzilishi nazarda tutilgan.

Shartnoma loyihasida taraflarning javobgarligi va nizolarni hal yetish tartibi va boshqa kelishilgan barcha shartlar qonun hujjatlari talablariga mos keladi va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti**

**15.07.2022 yil.**



**M.Nurnazarov**